



## Индонезия ҳалол туризмни ривожлантирумокда

Индонезия туризм вазири Сандиага Унонинг айтишича, ушбу давлат ҳалол туризм нуктаи назаридан етакчи мамлакат хисобланади, дея хабар килади Detik. «Биламизки, Индонезия – дунёда ҳалол туризм маконига айланган, ривожланаётган мамлакатлардан бири.

2019 йил учун «Глобал ислом иктисодиётининг холати» хисботига кўра, Индонезия мусулмонлар учун мўлжалланган туризм харажатлари энг катта бўлган мамлакатлар бешлигидан ўрин олди», - деди Сандиага Уно ҳалкаро туризм соҳасининг бир катор етакчилари билан учрашув вактида.

Вазирнинг сўзларига кўра, Индонезияда ҳалол туризм йўналишлари кўп ва янада кўпроқ ривожлантириш мумкин бўлган потенциал ресурслар мавжуд. Туризм вазирлиги

Индонезияда туризм сифатини яхшилашда давом этмоқда.

Сандиаго Уно 2021 йил 13-15 июль куни бўлиб ўтадиган, халол туризм сифат масалаларига багишланган панелли дискуссияда иштирок этиш учун бутун дунёдан туризм соҳасининг манфаатдор вакиллари, туризм бўйича халкаро кенгашлар ва барча миллий туризм ташкилотларини таклиф килди.